

«Камолот» уйлари бунёдкорлигида тижорат банклари фаол

(4-бетда ўқинг).



Ўзбекистон банк тизими: мижозлар ишончи
тобора мустаҳкамланмоқда.....5

Рейтинг молия бозорида ижобий нуфузни
мустаҳкамлаш имконини беради.....6-7

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 2 (973), 2015 йил 14 январь

www.banknews.uz

Устувор вазифаларнинг самарали ижроси

Мамлакатимизда келажак авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, ёшларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлаган ҳолда турмуш даражасини юксалтириш ва моддий кўмак орқали кенг имкониятлар яратишга катта эътибор берилмоқда. Бу эса юртимизда ёшларни ижтимоий ҳимоялашга давлат сиёсати даражасидаги энг муҳим ишлардан бири сифатида қаралаётганининг ёрқин ифодасидир.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Давлат-тижорат Халқ банки билан ҳамкорликда тижорат банклари, ишбилармон доиралар вакиллари, хорижлик мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманининг бош мавзуси ҳам «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг банк тизимидаги ижроси юзасидан амалга оширилган иш-

лар сарҳисобига бағишлангани билан аҳамиятли бўлди. Хусусан, тадбирда оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, аёлларнинг кундалик уй-рўзгор юмушларини енгиллатиш ва уларнинг тадбиркорлигини рағбатлантириш, ёшларни, айниқса, касбхунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, оилавий бизнесни ривожлантириш, ёш оилаларнинг уй-

жой шароитини яхшилашда моддий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали халқимизнинг турмуш даражаси ва бандлигини ошириш, соғлом авлодни вояга етказиш учун зарур бўлган инфратузилмаларни барпо этиш борасида тижорат банклари томонидан амалга оширилган ишлар хусусида сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

Фахрийлар ўғити — ибрат мактаби

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида «Ватан — улуг, бурчим — муқаддас» мавзусида авлодлар учрашуви ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 9 декабрдаги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, офицерлар, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

«Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инсоншаъни, кадр-қимматини улуғлаш жамиятимизнинг барча соҳаларини модернизация қилиш ва янгилаш

борасида амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотларнинг асосий мақсадига айланганини таъкидлади. Кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётгани, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишига барча шарт-шароит яратилаётгани бу борадаги ишларнинг амалий тасдиғидир.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари ўз ҳаёт йўллари, истиқлол туфайли эришилаётган улкан ютуқ ва марралар, халқимизнинг тинч, фаровон ҳаётини авайлаб-асраш зарурлиги, Ватан ҳимояси муқаддас бурч экани ҳақида сўзлади.

(Давоми 3-бетда).

Янги филиал ишга тушди

Ўзбекистондаги Корея тараққиёт банки — «KDB Bank Uzbekistan» хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш ҳамда мижозлари базасини янада ошириш мақсадида пойтахтимизда Яккасарой филиалини ишга туширди.

Янги бино шаҳарнинг қулай манзилида жойлашган бўлиб, унда корпоратив ва чакана турдаги мижозлар учун барча молиявий хизматлар кўрсатилиши белгиланган.

Филиалнинг очилиш маросимида сўз олган «KDB Bank Uzbekistan» бошқаруви раиси Ёнг Кю Квак 2006 йилдан буён Ўзбекистондаги Корея тараққи-

ёт банкининг бошланғич инвестициялари натижасида Ўзбекистон молиявий бозорида муваффақиятли фаолият юритаётганини, ушбу филиал орқали муассаса фаолиятини янги бинода давом эттиришдан мақсад мижозларга юқори даражада, сифатли хизмат кўрсатишдан иборат эканлигини ва банк инфратузилмасини ривожлантириш бора-

сидаги саъй-ҳаракатлар келажакда республикамиз бўйлаб амалга оширилишини таъкидлади.

Ҳозирда мазкур филиал доимий мижозларининг асосий қисмини товар ишлаб чиқарувчилар, телекоммуникация, қурилиш, озиқ-овқат соҳалари, туризм ва меҳмонхона индустриясига оид тармоқларда фаолият юритувчи компания, корхона ҳамда ташкилотлар ташкил қилади. Эндиликда бу ерда корпоратив мижозлар учун кредитлаш имкониятлари кенгайтирилади, юридик шахсларга конвертацион, Master Card ва Visa халқаро валюта карталари бўйича хизматлар кўрсатиш ҳам йўлга қўйилади. Бундан ташқари, филиал ишга тушиши муносабати билан янги иш ўринлари яратилади.

Ширин БАЙСЕНОВА.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 13 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1997,87	1 Канада доллари	2046,69	1 Норвегия кронаси	316,87	1 евро	2913,25
1 Англия фунт стерлинги	3675,73	1 Хитой юани	391,09	1 Польша злотийси	673,49	10 Жанубий Корея вони	22,40
1 Дания кронаси	386,33	1 Қувайт динори	8257,46	1 Сингапур доллари	1820,60	10 Япония иенаси	205,00
1 БАА дирҳами	660,03	1 Россия рубли	43,11	1 СДР	3464,79	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	2424,31	1 Украина гривнаси	153,93	1 Туркия лираси	1058,83		
1 Миср фунти	339,06	100 Ливан фунти	160,34	1 Швеция кронаси	301,37		
1 Исландия кронаси	18,71	1 Малайзия рингити	682,23	1 Швейцария франки	2392,72		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи: 1 USD ▲ 2 424,31 – (2 424,23) | 1 EUR ▼ 2 913,25 – (2 960,23) | 1 GBP ▼ 3 675,73 – (3 705,68) | 10 JPY ▲ 205,00 – (201,18)

ISLOHOTLAR SAMARASI

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундай кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси алоҳида назоратга олиниб, мунтазам равишда муҳокама этилгани ва 2014 йилда кредитлар ажратиш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларнинг тижорат банкларининг ҳар бир филиали томонидан тўлиқ бажарилишини таъминлаш юзасидан тизимли ишлар олиб борилганлиги кўзда тутилган чора-тадбирларни самарали ҳаётга татиқ этиш имконини берди.

Матбуот анжуманида «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар доирасида банк тизими томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларининг инвестиция**

портфелини мониторинг қилиш департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари Адҳам Ражабов ўз маърузасида батафсил маълумот бериб ўтди.

Унинг таъкидлашича, 2014 йил давомида «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар доирасида банкларнинг жами 1 трлн. 810,6 млрд. сўм миқдоридаги кредит маблағлари ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлса, амалда ушбу чора-тадбирларни молиялаштириш учун 3 трлн. 766,9 млрд. сўмдан зиёд кредитлар ажратилди.

Аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, ушбу мақсадлар учун 960,2 млрд. сўм миқдорида ёки Давлат дастурида кўзда тутилган кўрсаткичдан 1,6 баробар кўп кредит

маблағлари йўналтирилди. Бу маблағлар устувор равишда ишловчиларининг камида 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилди.

Шу билан бирга, тадбиркор аёллар ўртасида «2014 йилнинг энг яхши тадбиркор аёли» танлови ўтказилди ва унда ижтимоий аҳамияти юксак бўлган 50 га яқин лойиҳа муаллифлари қимматбаҳо совғалар ва 3,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар билан тақдирланди.

Ўтган йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчи ёшларнинг бизнес-режаларини молиялаштириш масалалари тижорат банкларининг диққат-марказида бўлиб, ушбу мақсадлар учун 200,9 млрд. сўм миқдорида ёки Давлат дастурида кўзда тутилган прогнозга нисбатан 1,7 баро-

барга кўп кредитлар йўналтирилди.

Банкларнинг ўз ва жалб этилган маблағлари ҳисобига қишлоқ оилаларини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, уларнинг маиший турмуш даражасини ошириш мақсадида намунали лойиҳа-

фойдаланишга топширилмоқда. Минглаб ёш оилалар банкларнинг 234,8 млрд. сўм миқдоридаги имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланиб, уй-жой харид қилишга, қуришга ёки реконструкция қилишга муваффақ бўлдилар.

2014 йил давомида «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар доирасида банкларнинг жами 1 трлн. 810,6 млрд. сўм миқдоридаги кредит маблағлари ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлса, амалда ушбу чора-тадбирларни молиялаштириш учун 3 трлн. 766,9 млрд. сўмдан зиёд кредитлар ажратилди.

лар асосида 11 мингта тураржой биноларини қуриш ишлари амалга оширилди. Бунинг учун 2 трлн. 313,5 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари, ҳар бир вилоятда ёш оилалар учун «Камолот» уйлари қурилиб,

Шу билан бирга, «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш давомида ёшларни, жумладан, ёш оилаларни кичик бизнесга жалб этиш учун улар ўртасида бизнесни юритиш, молиявий ресурсларни


Солиқ имтиёзлари асосидаги қўшимча имкониятлар

Тадбир очилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари А.Хайдаров, Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари М.Мирзаев ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳоли реал даромадлари ўсишига кўмаклашадиган солиқ ислохотларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга асос бўлиб хизмат қиладиган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди. Бу жараёнда айниқса, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда солиқ юқини босқичма-босқич пасайтириш устувор этиб белгиланди.

Чунончи, ўтган йилнинг якунлашиши арафасида солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларига доир навбатдаги қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Президентимизнинг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2270-сонли Қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ юридик шахслардан олинган фойда солиғи ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизга туширилди. Ходимларга тўланадиган даромадларни легаллаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юқини пасайтириш мақсадида микрофирмалар, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга, қурилиш соҳасида фаолият юритувчи кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга пасайтирилди.

Микрофирма ва кичик корхоналарни ҳамда ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этишни янада ра-

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида 13-16 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан мамлакатимизда солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилги асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, республикамизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашда тадбиркорлик субъектларига яратилаётган қулай шарт-шароитлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида тўрт кунлик кўрғазмали семинар ўтказилмоқда.



батлантириш мақсадида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчилари ҳисобига банд ходимларнинг ўртача йиллик сонининг белгиланган меъёрини 20 фоиздан 50 фоизга ошириш мумкинлиги белгилаб қўйилди. Мисол учун, энгил саноат соҳасида фаолият юритувчи кичик корхоналар ходимларининг чекланган сони 200 кишини ташкил этадиган бўлса, улар ишчилар сонини ушбу таълим муассасалари битирувчилари ҳисобига яна 100 тага оширган ҳолда кичик тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган имтиёз ва кафолатлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

– Эътиборлиси, Юртбошимизнинг 2014 йил 4 декабрдаги 2270-сонли қарорига асосан, аввал қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ҳамда жорий йилда фойдаланиш муддатлари тугаши кўзда тутилган бир қатор имтиёзларнинг муддатлари узайтирилди, – дейди **Ўзбекистон Республи-**



каси Давлат солиқ қўмитасининг катта солиқ инспектори Фаррух Раҳимов. – Жумладан, булар қўшимча даромад олувчи бюджет ташкилотларига солиқлар, йиғимларнинг барча турларидан, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмаларни тўлашдан озод қилиш бўйича берилган имтиёзлар, тўлов-контракт асосида кадрларни тайёрлаш учун тушадиган маблағлардан олий таълим муассасаларини солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалардан озод этиш бўйича имтиёзлар, профессионал футбол клублари, Ўзбекистон Футбол федерацияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларини солиқлар ва йиғимларнинг барча турларини (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) тўлашдан озод этилиши бўйича имтиёзларнинг муддатлари 2018 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича 2015 йил 1 январдан бошлаб ушбу солиқни ҳисоблашда энг кам иш ҳақининг бир бараваригача «0» даражасида ставкани

назарда тутувчи тўрт поғонали солиқ ставкаларини қўллаш тартиби жорий этилди. Яъни жисмоний шахсларнинг энг кам иш ҳақининг бир бараваригача даромадлари жисмоний шахслардан олинган даромад солиғига тортилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари

қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ 4 та қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар, жумладан, Солиқ кодексининг 46 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Солиқ кодексининг 45-моддасига 2015 йилнинг 1 январидан тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисоботини телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида тақдим этиши билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Солиқ кодексининг 54-моддасига киритилган қўшимчага кўра, яқка тартибдаги тадбиркорларга ҳам юридик шахслар сингари давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш юбориб, текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, молиявий санкциялар суммаларини тўлашни олти ой мобайнида тенг улушларда амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

ISLOHOTLAR SAMARASI

оқилона тақсимлаш бўйича ўқув курслари ташкил этилди. Оммавий тадбирлар билан бир қаторда турли танловлар уюштирилди, ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар кўргазмаси ўтказилди. Оилавий бизнесни ривожлантириш учун ёш оилаларга кредит ва грантлар олишда кўмак берилди. Ёшларни тадбиркорликка жалб этиш учун банк филиалларида ва коллежларда ахборот-маслаҳат марказлари ташкил этилди.

Шу ўринда мамлакатимизда банк тизими томонидан амалга оширилаётган ислохотларни хорижлик экспертлар ҳам алоҳида эътироф этаётганини таъкидлаш жоиз. Буни куйидаги суҳбатдошимиз фикрларидан ҳам яққол англаш мумкин:

– *Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг изчил ривожидан банклар иштироки юксак аҳамиятга эга бўлмоқда, дейди тадбирда сўзга чиққан*

пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти катта ўқитувчиси Бернаро Жеффри Моранте. – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришда банклар нафақат аҳолининг бандлигини оширишга, балки ҳам ички, ҳам ташқи бозорда истеъмол маҳсулотлари ва товарлар ўртасида сифатга йўналтирилган рақобатбардошликни таъминлашга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Бу эса мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтириб, миллий иқтисодиётнинг барқарор тараққиётига ҳамда жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлишига хизмат қилаяпти. Шу билан бирга, бу каби кенг кўламли амалий чоратадбирлар иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига хорижий инвестициялар оқимини кенгайтиришда ҳам муҳим омил бўлиши мумкин.

Республикаимизда банк тизими томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

соҳаси ҳар томонлама самарали қўллаб-қувватланаётгани халқаро миқёсда тадқиқот олиб борувчи нуфузли молия муассасалари томонидан чоп этилаётган ҳисоботларда ҳам ўз аксини топмоқда. Бунга Халқаро молия корпорацияси ва Жаҳон банки томонидан 2014 йилнинг октябрь ойида эълон қилинган янги ҳисоботида Ўзбекистонда кредитлаш тизимининг рейтинг кўрсаткичи дунёнинг 189 та давлати орасида 130-ўриндан 104-ўринга кўтарилгани, «Кредит алмашинуви индекси» кўрсаткичи бўйича эса мавжуд 8 баллик тизимда 7 баллга баҳолангани ёрқин мисолдир.

Мухтасар айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин ҳамда таъсирга эга бўлиб бормоқда ва юртимиз банк тизими бунга беқиёс ҳисса қўшмоқда.

Бекзод АКРОМОВ.

Фахрийлар ўғити — ибрат мактаби

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

– Авлодлар учрашуви ёшларимизни миллий қадриятларга ҳурмат, эл-юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, маънавий баркамол авлодни вояга етказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, – дейди меҳнат фахрийси **Искандар Раҳмонов**. – Зеро, ёшлар халқимиз ўтмишини яхши билса, тинчлик-осойишталикнинг нечоғлик буюк неъмат эканини теран анғласа, бугунги дорилломон кунлар қадрини шунчалик чуқур тушунади. Эртаимизни бундан-да обод, ҳаётимизни янада фаровон қилиш учун курашади.

– Катта авлод вакиллари-нинг ҳаёт йўли биз учун ибрат мактабидир, – дейди **ҳарбий телекоммуникация**

йўналишидаги Тошкент академик лицейи ўқувчиси Шухрат Нарзуллаев. – Ватан ҳимоячилари кундан-кундан ташкил этилаётган бун-



дай тадбирлар байрам шукҳини бутун халқимиз, хусусан, ёшлар қалбига янада чуқурроқ сингдириш, жамиятимизда ҳарбийлик шарафли, фахрли касбга айланганини таъсирчан воситалар орқали кенг жамоатчиликка етказишда муҳим аҳамият касб этади.

ЎЗА.

Солиқ кодексининг 79, 81, 271-моддаларига киритилган ўзгартириш ва кўшимчалар, кўчмас мулк объектлар бўйича ҳисобга кўйиш, мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини топшириш ва уни тўлашни ушбу мулк жойлашган жойида амалга оширишни назарда тутди.

Кодекснинг 240-моддасига киритилган ўзгартириш ва кўшимчалар эса, акциз солиғи бўйича ҳар ўн кунлик тўловлар бекор қилиниб, ўрнига ҳар ойда бир мартаба жорий тўловлар амалга оширилишини назарда тутди.

Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4609-сонли Фармонида белгиланган вазифалар асосида Солиқ кодексининг 286 ва 369-моддаларига ўзгартиришлар киритилиб, ер солиғи ва ягона ер солиғи тўлови даврийлигини йилига уч мартадан икки мартага қисқартирилди. Яъни, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ушбу солиқларни тўлашда йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи ҳисобот йилининг 1 сентябрга қадар, қолган суммаси 1 декабрга қадар амалга оширилади.

Янги рўйхатдан ўтган яққа тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини бошлаши учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этишни рағбатлантириш мақсадида Солиқ кодексининг 311 ва 375-моддаларига кўшимчалар киритилиб, янги рўйхатдан ўтган яққа тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан суғурта бадаллари ва қатъий белгиланган солиқни тўлашни улар давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб (25-санага қадар) амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Солиқ кодексининг 375-моддасига киритилган яна бир муҳим янгилик касб-хунар коллежлари битирувчи-

ларини тадбиркорлик фаолиятларини амалга ошириши учун жуда катта имкониятларни яратади. Яъни, 2015 йилдан бошлаб, касб-хунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида яққа тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади.

– *Компаниямиз Тошкентда тураржой биноларини бунёд этиш билан шуғулланади, – дейди «Somang Development Korea» хорижий корхонаси бош директори Шин Йонг-мун. – Ўзбекистон бозорида 7 йилдан кўпроқ вақт давомида фаолият юритиб келмоқдамиз. Фаолиятимиз ривожидан «KDB Bank Uzbekistan» ва «Ипак йўли» банки билан фаол амалий ҳамкорлигимиз қўл келмоқда. Шу билан бирга, мамлакатингизда биз каби хорижлик ишбилармонлар учун истиқболли ва самарали фаолият юритишимиз йўлида солиқ ставкаларининг йилдан-йилга пасайтирилаётгани, ишбилармонлик муҳитининг янада яхшиланаётгани ҳамкорлигимиз кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бундай изчил ислохотлар пировардида мамлакатда тадбиркорлик соҳасининг равнақига ва халқ фаровонлиги янада юксалишига мустақам замин ҳозирлайди. Бугун биз иштирок этаётган тадбир солиқ соҳасидаги ўзгаришлар ва имтиёзлар билан яқиндан танишиш ҳамда келгусида янги фаолият йўналишларида ҳам иш олиб боришимизга шароит яратади.*

Тадбирда солиқ қонунчилигидаги янгиликлар моҳияти махсус стендлар, буклетлар, видеороликлар, слайдлар ва бошқа кўргазмалар воситалар, тарқатма материаллар ёрдамида батафсил тушунтириб берилди.

Шунингдек, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажариб келаётган намунали солиқ тўловчиларнинг бир гуруҳига Давлат солиқ кўмитасининг фахрий ёрликлари топширилди.

Бобур САТТОРОВ.

«Хазина» омонати бўйича ютуқли тираж ўтказилди

«Агробанк» акциядорлик-тижорат банки Бош офисида «Хазина» пул ютуқли жамғарма омонати бўйича ютуқлар тиражи ўтказилди.

Мазкур омонат «Агробанк» АТБ Бошқарувининг 2014 йил 27 майдаги 35/2-сонли қарори асосида аҳоли бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш, бунда уларга ҳар томонлама қулайликлар яратиш, хусусан, кўшимча даромадга эга бўлишларини таъминлаш мақсади илгари сурилган бўлиб, унга маблағлар 2014 йилнинг 31 декабрига 12 ойга сақлаш муддати билан қабул қилинган.

«Хазина» пул ютуқли тиражли жамғарма омонатининг ютуқлар фонди 40 600 000 (қирқ миллион олти юз минг) сўмни ташкил этди.

Эслатиб ўтамиз, «Хазина» пул ютуқли тиражли жамғарма омонат йўлинида ютуқлар сони 278 донани ташкил этди. 50 000 сўмдан 5 000 000 сўмгача бўлган миқдорда пул ютуқлари йўналиши билан бирга омонатчиларга чинакамига қувонч ҳам улашилди.

Маълумот. Бугунги кунга келиб, «Агробанк» АТБ томонидан аҳоли эътиборига жами 16 та (шундан, 14 таси миллий валютада, 2 таси хорижий валютада) омонат тури ҳавола қилинмоқда. Биргина 2015 йил бошида муассаса миллий валютада «Қиш зийнати», «Имконият», «Мўъжиза»,



Таъкидлаш жоиз, «Хазина» пул ютуқли жамғарма омонат турида очилган ҳисобварақларнинг ҳар бир жамланган 500 минг сўмига 1 та чипта кўшилади. Омонат маблағи ўсгани сари чипталар сони кўпайиб, омонатчининг ютиш имконияти ошди (Масалан, 5 млн. сўм маблағ кўйган мижозга 10 донна чипта берилди ва 10 та ютуқ, яъни 50 мингдан 5 млн. сўмгача бўлган ютуқларни ютиш имкониятига эга бўлди).

«Саховат», «Тежамкор», «Тараққиёт», «Эҳтиром» номли 7 та ҳамда хорижий валютада «Парвоз» ва «Универсал» номли 2 та жами 9 та янги омонат турларини жорий этди. Мазкур омонатларда аҳолининг барча қатламлари эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, улар қулай ва жозибадор, ўзаро манфаатли бўлган омонатлар тарзида ишлаб чиқилди.

Наргиз АҲМЕДОВА.

OVOD MANZILLAR

«Камолот» уйлари бунёдкорлигида

тижорат банклари фаол

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2014 йил 8 сентябрда қабул қилинган «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 250-сонли қарорга му-

худождлари бўйлаб 2 қаватдан 9 қаватгача бўлган, 8, 12, 32, 48, 64, 68 хонадонли жами 33 та уйнинг қурили-

Маҳкамасининг 2014 йил 14 апрелдаги 70-сонли топширигига асосан 7 та 368 хонадонли «Камолот» уйлари қурили-

оилаларга «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг тавсияномаси асосида тақдим этилмоқда.

совриндорлари), шунингдек, ариза берилган пайтда 30 ёшдан ошмаган эр-хотинлар (иккаласи ҳам)га ипотека кредити асосида бошлангич бадал тўловсиз 5 йиллик имтиёзли давр билан 20 йил муддатга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш став-



вофиқ, «Камолот» уйлари республикамиз бўйлаб янги қуриляётган уйлар ҳамда мавжуд фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган объектларни қайта реконструкция қилиш асносида бунёд этилмоқда.

Унга қурилишдаги пудрат ташкилотлар ва лойиҳа институтлари танлов савдолари билан жалб қилиниб, молиялаштириш борасидаги вазифалар тижорат банклари томонидан амалга оширилмоқда.

Хусусан, бугунги кунда республикамизнинг барча

ши давом этаётган бўлса, унда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки, «Ўзбекистон-саноат қурилиш банки» АТБ, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, «Алоқабанк» АТБ, «Ипотека-банк» АТБ, «Ипотека-банк» АТБ, Давлат-тижорат Халқ банки, «Трастбанк» ХАББ, «Туронбанк» АТБ каби давлат ва хусусий турдаги тижорат банклари фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, «Ипотека-банк» АТБ томонидан Вазирлар

ши молиялаштирилмоқда. Булар Андижон вилоятининг Андижон шаҳри, Асака ва Балиқчи туманларида 3 та 144 хонадонли, Бухоро вилоятининг Бухоро, Когон шаҳарларида ва Гиждувон туманида 3 та 192 хонадонли, Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида 1 та 32 хонадонли уйлар бўлиб, шундан Андижон шаҳридаги 1 та 48 хонадонли уй-жой биноси фойдаланишга топширилди.

Ушбу уйлар Вазирлар Маҳкамасининг 250-сонли қарор талабларига асосан ёш

«Камолот»нинг кўп квартиралари уйлари ёш оилаларга бериш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомга кўра, бундай уйлар турар-жой шароитларини яхшилашга муҳтож сифатида ҳисобда турган ҳамда фан, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган (ўрнатилган тартибга мувофиқ, давлат мукофотлари, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиблари, нуфузли халқаро ва республика мусобақалари, танловлар ва олимпиадалар

касига тенг бўлган фоизли ставкада берилмоқда.

Қайд этиш лозим, ушбу низомнинг 17-бандига мувофиқ, эр-хотинлар «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ёки имтиёзли ипотека кредити олувчиларнинг оила аъзоларидан бири ёхуд бир нечтаси сурункали касалликларнинг ўткир шакллари бошидан ўтказаяётган бўлса, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг тавсияномасини навбатдан ташқари олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Назира МАВЛОНОВА.

Ҳарбийларга байрам тухфаси

Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара кўшинларининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари учун янги уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа кудратини мустаҳкамлаш, Ватанимиз осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчиларга етарли шароит

минлаш ва бошқа инфратузилма объектларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. 2014 йилда ҳам кўплаб ҳарбий хизматчилар замонавий уйларга эга бўлди. 24 оилага мўлжалланган мазкур замонавий уй ҳам ана шу эзгу ишларнинг узвий давомидир.

Уй билан таъминланганлар орасида капитан Равшан Солиев ҳам бор.

– Янги йил байрами арафасида ўз уйимизга эга бўлганимиздан жуда хурсандмиз, – дейди Р.Солиев – Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бундай катта эътибор ва ғамхўрлик биз, ҳарбийларга янада

куч-ғайрат бағишлайди, хизматга масъулият билан ёндашиш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди.

Янги уйда ҳарбийларнинг оила аъзолари учун барча шароит яратилган.



яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳарбийларни мустаҳкам ижтимоий ҳимоя қилиш тизими яратилиб, барча қулайликларга эга замонавий, шинам уй-жойлар билан таъ-

Ёш оилаларнинг орзулари ушалмоқда

Мамлакатимизда аҳоли, хусусан, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратингга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 апрелда қабул қилинган «Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари бу борада муҳим омил бўлаётир.

«Ўзкоммунизат» агентлигининг Бухоро шаҳар бўлими мутахассиси, ёш оила бекаси Ҳилола Ҳошимованинг «Ипотека-банк» АТБ филиалига истеъмол кредити олиш учун қилган мурожаати қаноатлантирилди.

– Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Ҳ.Ҳошимова. – Хусусан, банклар томонидан уй-рўзғор буюмлари харид қилиш учун имтиёзли истеъмол кредитлари ажратилаётгани орзуимиз ушалишида қўл келаётир. Бундай кредитларнинг 3 йил муддатга олти ойлик имтиёз билан берилаётгани ёш оилалар учун айни муддао бўлмоқда.



Банкдан олинган кредит – 9,6 млн. сўмга Ҳилола оиласи учун зарур замонавий кир ювиш машинаси, совутгич, газ плитаси ва телевизор харид қилди.

Гиждувон тумани Абади қишлоғида яшовчи Зарнигор Норова Халқ банкидан олган кредит маблағига мебеллар тўплами олишга қарор қилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

– 2014 йили тижорат банклари томонидан уч юздан зиёд ёш оилага 2,6 млрд. сўмдан ортиқ истеъмол кредити берилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Бухоро вилояти Бош бошқармаси масъул ходими Бекзод Муродов. – Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар давом эттирилади.

ЎЗА материаллари асосида.

BANK VA MIJOZ

Ўзбекистон банк тизими: мижозлар ишончи тобора мустаҳкамланмоқда

Мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган янгиланишлар, ҳар бир тармоқда қўлга киритилаётган ютуқлар, муҳими, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда молия муассасаларининг салмоқли ҳиссаси бор. Гап шундаки, банклар томонидан кўрсатилаётган замонавий ва сифатли хизматлар, мижозлар учун имтиёзли шартлар асосида ажратилаётган маблағлар қўллаб-қувватлаш лойиҳаларни рўёбга чиқариш, минглаб янги иш ўринларини яратиш имконини бермоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойилини бош мезон сифатида белгилаб олган банкларимиз хизмат кўрсатишнинг барча йўналишида замон талабларига мос фаолият юритмоқда. «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш марказининг тадбиркорлик субъектлари фаолияти ҳамда аҳоли турмушида банкларнинг ўрни қай даражада эканлигини аниқлашга қаратилган қатор изланишлари натижалари бунга яққол мисол бўла олади. Чунки айнан ушбу сўровномалар асосида аҳоли ва тадбиркорлар мамлакатимиз банк тизимининг ютуқ ёки камчиликлари ҳақида ҳаққоний фикр билдираётдилар. Шу асосда таклифлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилаётгани, ҳар бир ижтимоий сўровнинг натижалари матбуот нашрларида омма эътиборига ҳавола қилинаётгани эса банк-молия тизимида самарадорликни таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Яқинда марказ томонидан навбатдаги яна бир тадқиқот ўтказилди. «Оилавий бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрни ҳамда ҳудудларда аҳоли ва ишбилармонлик муҳити вакилларининг банк тизимига бўлган ишончи ҳақида жамоатчилик фикри – 2014» мавзусидаги ушбу сўровномага юртимизнинг барча ҳудудларидан ишбилармонлар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари жалб этилди.

Сўров қатнашчиларини тадбиркорликнинг турлари бўйича «Микрофирма» (15,8 фоиз), «Кичик корхона» (22,8 фоиз), «Якка тартибдаги тадбиркор» (26,4 фоиз), «Дехқон хўжалиги» (6,4 фоиз), «Фермер хўжалиги» (11,6 фоиз) ҳамда «Оилавий тадбиркорлик» (13,3 фоиз) вакиллари ташкил қилди.

Сўров якунларига кўра, шаҳарларда тадбиркорликнинг «Микрофирма» ва «Кичик корхона», қишлоқ жойларда «Якка тартибдаги тадбиркорлик» турлари кенг ривожланганлиги, аёлларнинг 38 фоизи якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланса, эркаклар орасида кичик корхона субъектлари 27,2 фоиздан кўпроқ эканлиги аён бўлди.

Тадбиркорларнинг кредитлардан фойдаланиш истига тобора ошиб бораётгани аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи юқорилигидан далолат беради. Сўровда иштирок этганларнинг 96,8 фоизи кредит олиш учун тижорат банкларига мурожаат қилгани бунинг тасдиғидир.

Бундан ташқари, сўров жараёнида республикамизда қайси тижорат банкларининг фаолияти эътирофга лойиқлигига доир саволга ҳам жавоб олинди. Иштирокчиларнинг фикрича, «Агробанк», ТИФ Миллий банки, «Ипотека-банк», «Асака» банк, «Микрокредит-банк», «Қишлоқ қурилиш банк», Халқ банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Алоқабанк»нинг фаолияти, айниқса, диққатга сазовор. Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Андижон ва Хоразм вилоятларида тадбиркорларнинг аксарияти мазкур банклар фаолиятини ижобий баҳолаган.

Ўтказилган сўровларда, шунингдек, «Шу банкнинг фаолиятига қандай баҳо берасиз?» деган саволга олинган жавобларда ижобий баҳо 96,8 фоизга тўғри келди. Эътиборлиси, бу борада илгариги сўровларга нисбатан яхши баҳо бераётганлар сони сезиларли даражада кўпайган.

Банк фаолиятининг мамнунлигини баҳолаш бўйича берилган саволларга, аввало, «Банк ходимлари яқин кўмақдош» дея жавоб қайтарилган бўлса, «Маслаҳат бериш ва муаммоларни ечишда тезкор ёрдам кўрсатилади», «Омонатларни сақлаш бўйича бажариладиган барча амаллар ўз вақтида амалга оширилади», «Белгиланган тартибга тўла амал қилиниб, қонунбузилишига йўл қўйилмайди» каби жавоблар кейинги ўринларга муносиб кўрилди.

Сўров қатнашчиларининг 96,8 фоизи омонатга пул қўйишда ҳал қилувчи омил сифатида биринчи ўринда «Банкка бўлган ишонч»ни кўрсатган бўлса, кейинги ўринларда «Юқори даромадлилик», «Маблағларнинг қафолатланганлиги» каби жавоблар қайд этилди.

Тижорат банкларида кредитлаш қондаларининг содалаштирилганлиги, хусусан, ҳисобварақлар очишда тўлов ундириш амалиётининг бекор қилинганлиги ва кредитлар олишда йиллик фоиз ставкаларининг мақ-

буллаштирилганлиги ҳақида ўз фикрини билдирганлар ҳам кўпчилик эканлиги эътиборга молик.

Шу ўринда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича ҳам ўрганишлар ўтказилганда, респондентларнинг 98,7 фоиздан кўпроғи «Банкларнинг яқин ёрдами билан тадбиркорликни йўлга қўйиб, иш жойига эга бўляпмиз» деган жавобни берганини ҳам алоҳида қайд этиш зарур. Масалан, Адҳамбек Ҳошимхонов Косонсой саноат, транспорт ва алоқа касб-хунар коллежини тамомлагач, «Микрокредитбанк»нинг туман филиали томонидан ажратилган имтиёзли кредит эвазига тадбиркор-

2014 йилда юртимиз банк тизимининг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги тажрибаси халқаро доирада юқори баҳоланиб, унинг жаҳон рейтингидagi ўрни янада юқорилагани бежиз эмас. Хусусан, Халқаро молия корпорацияси ва Жаҳон банкнинг ўтган йилнинг октябрь ойида эълон қилинган янги ҳисоботида Ўзбекистонда кредитлаш тизимининг рейтинг кўрсаткичи жаҳоннинг 189 та давлати ичида 130 ўриндан 104 ўринга кўтарилди. «Кредит алмашинуви индекси» кўрсаткичи бўйича эса мавжуд 8 балли тизимда 7 баллга баҳоланди.

ликка қўл уриб, ўз корхонасида ойига 50-100 дона дераза панжаларни, темир эшиклар, шунингдек, бошқа уй анжомлари тайёрлашни йўлга қўйди.

Шу билан бирга, тадбиркор аёллар ўртасида сўровлар ўтказилганда, уларнинг 98,9 фоизи «Банклар тадбиркор аёлларнинг яқин ҳамкори, молия муассасаларининг ёрдами билан юксак муваффақиятларга эришмоқдамиз», дея жавоб бергани ҳам диққатга сазовор.

– Марказий банк томонидан тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар улар учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда, – дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маъруфова. – Хусусан, ўтган ўн йил мобайнида банкларнинг 3 трлн. сўмдан зиёд маблағи ушбу мақсадлар учун йўналтирилди. Натижада жойларда юзлаб «Гўзаллик саломи», тикув цехлари ишга туширилди, минглаб кишиларнинг бандлиги таъминланди.

Марказ томонидан ўтказилган сўровларда ҳудудий дастурларга киритилган лойиҳалар ижросига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди. Сўровларда лойиҳаларни молиялаштиришда ажратилаётган кредитлар юқори самара берганлигини респондентларнинг 97,5 фоизи таъкидлаган.

Сўровларнинг 98,1 фоиз қатнашчиси Марказий банк томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда олиш ҳамда меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманларда тадбиркорлар, ёшлар, фермерлар учун ўтказилаётган амалий учрашувлар ҳам юқори самара бераётганини қайд этишган. Мазкур сўров иштирокчиларининг 97,3 фоизи эса айнан ушбу тадбирлар туфайли чекка ҳудудларга ажратилаётган кредитлар жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратишда катта ёрдам бераётганини билдирган.

Тадқиқотлар натижасида тижорат банклари мутахассисларининг ҳужжатларни қабул қилиш ва унинг ижросини таъминлаш жараёнида мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ортиб бораётгани ҳам маълум бўлди. Респондентларнинг катта қисми (95,5 фоизи) бу масалада мамнунлигини билдирганлиги бунинг исботидир.

Шунингдек, уларнинг 97,9 фоизидан «Шахсий ёрдамчи хўжаликларга ажратилаётган имтиёзли кредитлар аҳолига қулайликлар яратмоқда», деган жавоб олинди.

Яна бир эътиборли далил. Тадбиркорлик фаолияти давомида банк кредитларидан самарали фойдаланиб, юқори натижага эришганлиги ва қарзини қайтаришда ҳеч қандай тўсиқларга учрамаганлигини билдирганлар ҳиссаси ҳам юқори (97,8 фоиз)дир.

Самарқандлик тадбиркор Фарҳод Раҳматовнинг айтишича, унинг «Гулобод-мебель» корхонаси ривожига «Асака» банкнинг «Афросиёб» филиалидан олинган кредит жуда асқотган. Мазкур корхонада ўтган йилнинг ўзида 4 млрд. сўмликдан ортиқ уй ва офис жиҳозлари ишлаб чиқарилиб, маҳсулот тури 25 тага етказилган.

Шу билан бирга, сўровда «Микрокредитни банк орқали амалга ошириш ишончлими?» деган саволга респондентларнинг 97,6 фоизи «Тижорат банклари орқали амалга ошириш ишончли ва қафолатли», деган жавобни танлади. Уларнинг аксарияти (98,3 фоизи) «Ажратилаётган микрокредитлар орқали аҳоли фаровонлигини ошириш имконияти вужудга келди ва янги иш ўринлари яратилишида ҳам муҳим роль ўйнамоқда», деган жавобни кўрсатишди.

Иккинчи ўринда «Микрокредитлар жойларда, айниқса, чекка ва қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантиришга керак бўлган бошланғич сармояни шакллантиришга замин яратмоқда» (97,7 фоиз) жавоби танланган бўлса, учинчи ўриндаги жавоб «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган фуқароларга микрокредитлар бериш бўйича бир қатор қулайлик ва имтиёзлар яратилганлиги аҳолини, хусусан, аёлларни ҳамда касб-хунар коллежини битирувчи ёшларни тадбиркорликка жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда» (96,9 фоиз) бўлди.

Ўтказилган сўровларда хорижий инвесторлар ҳам республикамиз банк тизимининг барқарор ва ишончилиги уларнинг самарали ишлаши учун муҳим пойдевор бўлаётганини алоҳида эътироф этишган.

– Юртингизда 2008 йилдан буён фаолият юритаётган бўлсак, мунтазам юқори натижаларни қўлга киритаяпмиз, – дейди «Daewoo Textile Bukhara» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси раҳбари Бён Чунг Соб. – Бунда банкларнинг ҳиссаси, айниқса, салмоқли бўлаяпти. Негаки, улар томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдам туфайли ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам, даромадимизни ҳам кўпайтиришга эришдик. Пировардида корхонамиз ўз маҳсулотларини 25 дан зиёд давлатларга экспорт қилувчи йирик ишлаб чиқариш субъектига айланди.

Умуман, 2014 йилда юртимиз банк тизимининг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги тажрибаси халқаро доирада юқори баҳоланиб, унинг жаҳон рейтингидagi ўрни янада юқорилагани бежиз эмас. Хусусан, Халқаро молия корпорацияси ва Жаҳон банкнинг ўтган йилнинг октябрь ойида эълон қилинган янги ҳисоботида Ўзбекистонда кредитлаш тизимининг рейтинг кўрсаткичи жаҳоннинг 189 та давлати ичида 130 ўриндан 104 ўринга кўтарилди. «Кредит алмашинуви индекси» кўрсаткичи бўйича эса мавжуд 8 балли тизимда 7 баллга баҳоланди. Шунингдек, дунёнинг нуфузли «Стандарт энд Пурс», «Фитч рейтингс» рейтинг агентликлари юртимиз банк тизими фаолиятига яна бир бор «Барқарор» юқори рейтинг баҳоси берилган бўлса, «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги томонидан эса кетма-кет бешинчи йил «Барқарор» даражаси қайта тасдиқланди.

Таъкидлаш ўринлики, республикамизнинг етакчи банкларидан ТИФ Миллий банки, «Асака» банк, «Ипотека-банк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Агробанк» ва «Ипак йўли» банклари бирйўла иккита етакчи халқаро рейтинг агентлигининг «Барқарор» рейтинг баҳоларини қўлга киритган. 2011 йилда мамлакатимизнинг 13 та тижорат банки ижобий рейтинг баҳосини олган бўлса, бугунги кунга келиб, барча тижорат банкларимиз ижобий рейтинг баҳоларига эга бўлди.

Мухтасар айтганда, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан 2014 йилда банк тизимида амалга оширилган ислохотларга бағишлаб ўтказилган сўровлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, унда қатнашган тадбиркорлар, ёшлар ва аҳоли мамлакатимиз банк тизимининг амалий ёрдами билан муваффақиятларга эришганликларини алоҳида эътироф этишмоқда.

Бу эса Давлатимиз раҳбарининг соҳани ривожлантириш борасида қабул қилган фармон ва қарорлари, «Соғлом бола йили» Давлат дастури, ҳудудий дастурлар ижроси ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича бандлик дастури ижроси банклар томонидан «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойили асосида ўз вақтида, изчиллик билан, сифатли бажарилиб келинаётганлиги ҳамда аҳолининг банкка бўлган ишончи янада мустаҳкамланиб бораётганлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

YIRIK PLANDA

Рейтинг молия бозорида ижобий

– Наиль Азатович, 2014 йилни қандай муҳим воқеалар ва янги ишлар билан қайд эта оласиз?

– 2014 йил турли воқеаларга бой бўлди улар қизиқиш уйғотибгина қолмай, «Ahbor-Reyting» рейтинг агентлигининг устувор вазифаларини белгилаб олиш ва иш сифатини янада оширишга имкон берди.


Рейтинг агентлигининг фаолияти, республикамиздаги бутун банк-молия тизими фаолияти сингари, 2014 йил давомида республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни бажаришга йўналтирилганлигини алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли Қарори қабул қилиниши муносабати билан банк фаолияти қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, республика банк тизими фаолиятини баҳолаш учун халқаро рейтинг ташкилотлари қўллайдиган халқаро меъёрлар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларини жорий этиш, банк тизимини ислоҳ қилиш ва институционал ривожлантириш, халқаро стандартларга мувофиқ тижорат банкларининг капиталлашуви, барқарорлиги ва ликвидлиги даражасини ошириш, кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш сингари чора-тадбирлар белгиланди.

Юқорида тилга олинган чора-тад-

Ўзбекистонда рейтинг хизматлари сектори изчил ривожланмоқда, бу республикамиз молия бозори либераллашуви билан боғлиқлиги шубҳасиз. Молия-кредит муассасаларига берилган кредит рейтингларидан фойдаланиш имкониятини тавсифловчи омилар хусусида мухбиримиз «Ahbor-Reyting» рейтинг агентлигининг бош директори Наиль Азатович ГАЙНУЛЛИН билан суҳбатлади.

бирларни бажара бориб, 23 та тижорат банки, 9 та суғурта компанияси, 7 та лизинг компанияси, 4 та қимматли қоғозлар эмитентига кредит рейтинглари бериш билан бир қаторда, «Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги 2014 йилда ломбардлар, микрокредит ва ризлторлик ташкилотлари учун миллий шкала бўйича миллий кредит рейтингини услубиятларини ишлаб чиқди, бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, бу рейтинг агентлигимиз фаолиятида етарлича муҳим воқеа бўлди. Сўнгра 2014 йил давомида янги рейтинг услубиятларининг маълумотлари асосида «Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда тегишли шартномаларни тузиб, 23 та микрокредит ташкилоти ва 41 та ломбардга кредит рейтингларини берди.

– 2014 йил «Moody's», «Fitch Ratings», «Standard & Poor's» ва бошқа халқаро рейтинг агентликлари томонидан банкларга берилган рейтингларга бой бўлди. Мамлакатимизнинг 26 та банки «барқарор» прогнози билан рейтинг олди. Халқаро рейтингларнинг «Ahbor-Reyting» РА банклар ва бошқа молия институтлари учун тайёрлайдиган рейтинглар билан ўхшаш ва фарқли хиллари нимада деб ҳисоблайсиз?



– Кредит рейтингини миллий шкаласининг ўзига хос жиҳати шундаки, у халқаро шкала имкониятлари билан солиштирганда кредит таваккалчилик даражаси бўйича маҳаллий қарз олувчилар янада миқёслироқ табақалаштирилишини таъминлайди. Маълумки, халқаро рейтинг шкалалари хатарнинг барча омиллари, шу жумладан, бевоқиф ва билвосита суверен таваккалчиликни ҳисобга олади. Миллий рейтинг шкаласи айна бизнинг мамлакатимиз шароитида қарз олувчиларнинг нисбий (солиштирма) кредитга қобилиятлиги ҳақидаги фикрни акс эттиради. Бундан ташқари, миллий шкала бўйича рейтинглар, аввало, мамлакат молия бозори иштирокчиларига эҳти-

молий кредит хатарлари даражаларини янада холис баҳолашда ёрдам беришга мўлжалланганлигини алоҳида қайд этиш лозим, бу қарз дастакларининг ҳар хил турларига нархларда ўз аксини топиши лозим ҳамда мамлакат иқтисодиётида капитал янада самарали тақсимланишига хизмат қилади.

– Юқорида таъкидлаб ўтганингиздек, 2014 йилда рейтинг агентлигининг алоҳида эътибори микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар сингари молия бозори сегментини рейтинг қилишга қаратилди. Агентлигиниз ушбу йўналишда қандай ишларни амалга оширгани ҳақида батафсилроқ сўзлаб берсангиз. ➔

Тадбиркорларнинг экспорт имкониятлари ошмоқда

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси 2014 йилги фаолиятини сарҳисоб қилди.

Маълумки, мазкур жамғарма 2013 йилда Давлатимиз раҳбарининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида ташкил этилиб, у мамлакатимиздаги тадбиркорларнинг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, жорий ва истиқболдаги конъюнктурани ўрганиш юзасидан ташқи бозорларда тадқиқотлар ўтказиб, юртимиз ишлаб чиқарувчиларига ўз маҳсулотларини экспорт қилишда яқиндан ёрдам бермоқда.

Таъкидлаш жоиз, мазкур қарорда жамғарма ва тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилувчи шарт-шароитлар белгиланган. Унга кўра, жамғарма 2019 йилнинг 1 январига қадар ягона ижтимоий тўловдан бошқа барча турдаги солиқ ва божхона тўловларидан озод қилинган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эса, товарлар ва хизматларни олдиндан ҳақ тўламасдан, аккредитив очмасдан хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқига эга бўлмоқда.

Йил якунига бағишланган тадбирда 2014 йил жамғарма фаолияти учун самарали кечганлиги таъкидланди. Хусусан, ушбу ташкилот томонидан 2 400 га яқин тадбиркорлик субъектларига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатилди. Натижада умумий қиймати 1,25 млрд. АҚШ долларига тенг экспорт шартномалари тузилиб, 699 та тадбиркорлик субъектларининг умумий қиймати 840 млн. АҚШ долларидан ортиқ маҳсулот ва хизматлари экспорт қилинди.

1774 тадбиркорга ташқи бозорларни ўрганиш, жумладан, 140 тадбиркорга хориждан ишончли ҳамкор топишда амалий ёрдам кўрсатилди.

271 тадбиркорнинг хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро кўргазма ва ярмаркалар, тендерларда қатнашиши таъминланди. 327 тадбиркорга экспорт шартномалари тузиш ва уларни тегишли банкда рўйхатга қўйишда амалий ва ҳуқуқий кўмак берилди. 27 тадбиркорга суғурта полиси орқали маҳсулотларини экспорт қилишда, 50 дан ортиқ корхонада халқаро стандартларга асосан сифат менежменти тизимини босқичма-босқич жорий этиш ишларига кўмаклашилди.

– Жаҳон бозорида маҳсулотларимизга бўлган талабни ўрганиш мақсадида Европа, МДХ ва Форс кўрфази мамлакатлари, Корея Республикаси, Япония, Сингапурнинг савдо ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатилган, – дейди жамғарма директори вазифасини бажарувчи Ж.Мустафоев. – Чунончи, жамғарма кўмагида тадбиркорларимиз мамлакатимиз ва хорижий давлатларда ўтказилаётган йирик халқаро кўргазма-ярмаркалар, бизнес-форум ва кооперация биржаларида иштирок этиб, харидорлар топиш ва шартномалар тузиш, экспорт жўғрофиясини кенгайтиришга муваффақ бўлмоқда. Жумладан, 2014 йилда 80 дан ортиқ тадбиркорлар Германия, Хитой, Туркия ва бошқа мамлакатларда ўтказилган кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этди. Уларда қатнашиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида жамғарма томонидан 82 млн. сўмга тенг молиявий кўмак кўрсатилди. Натижада маҳсулот ва хизматлар экспорти бўйича умумий қиймати 67 млн. АҚШ долларлик келишув битимлари имзоланди.

Тадбирда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг жорий йилги устувор вазифалари ҳам муҳокама қилинди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

Замонавий автотранспорт корхонаси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси ўлароқ, нодавлат автотранспорт секторининг йўловчи ва юкларни ташишдаги улуши йил сайин ортиб бормоқда.

Хусусан, бугунги кунда йўловчиларнинг қарийб 100 фоизи, юкларнинг эса 90 фоизи хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан манзилига етказилапти.

«Бунёд йўловчи ташиш» масъулияти чекланган жамияти йўловчи ташиш соҳасида нафақат Хоразм воҳаси, балки республикамизда ҳам илғор корхоналардан биридир.

– 2009 йилда ташкил топган корхонамиз аҳоли ва корхона-ташкilotларга йўловчи ташиш хизматларини кўрсатишга ихтисослашган, – дейди «Бунёд йўловчи ташиш» МЧЖ раҳбари Омонбой Раҳимов. – Дастлаб хусусий автотранспорт воситаларини ижара шартномаси асосида жалб этган бўлсак, 2011 йилда «Асака» ДАТБнинг 1 млрд. 60 млн. сўм миқдоридаги кредити эвазига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган «Isuzu» автобусларидан 42 тасини харид қилиб, фаолиятимизни янада кенгайтирдик.

Шу тариқа корхонада каттагина автотранспорт парки шаклланиб, 50 нафардан зиёд маҳаллий аҳоли вакиллари иш билан таъминланди. Энг муҳими, хизмат кўрсатиш янги тартибда, яъни, замон талабларига хос равишда йўлга қўйилди. Йил сайин аҳолининг транспорт хизматига бўлган эҳтиёжи ортаётгани ва айниқса, соғлом рақобат муҳити корхонани янги автотранспорт воситаларини сотиб олишга ундади. Шу боис, «Бунёд йўловчи ташиш» МЧЖ лизинг шартномалари асосида 2012 йил 45 та, 2013 йил 10 та ва ўтган йилда 20 та «Isuzu» автобусларини харид қилди.

Айни пайтда корхона ишчиларининг сони 200 нафардан ортиқ. Автотранспорт воситалари харид қилиниши натижасида яратилган иш ўринларига 50 дан зиёд коллеж битирувчилари жалб этилди.

Ёрқин ОЧИЛОВ.

YIRIK PLANDA

нуфузни мустаҳкамлаш имконини беради

– Дарҳақиқат, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар 2014 йилда «Ahbor-Reyting» РА рейтингининг асосий иштирокчилари бўлдилар.

Ломбардлар рейтинги услубияти ва микрокредит ташкилотлари рейтинги услубияти «Ahbor-Reyting» РА томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кўмагида, Ўзбекистон Ломбардлар уюшмаси ва Микрокредит ташкилотлари миллий уюшмаси фаол иштирокида ломбардлар ва микрокредит ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантиришга такомиллаштириш, улар кўрсатадиган хизматлар даражаси ва сифатини ошириш, ломбардлар ва микрокредит ташкилотлари фаолиятига халқаро стандартлар ва мезонларга мувофиқ баҳо беришнинг самарали усуллари жорий этиш, бажарилган ишларнинг якуний натижалари учун уларнинг жавобгарлигини ошириш, шунингдек, нобанк молиявий хизматлар бозорида рақобатбардошликни ривожлантиришни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Ломбардлар ва микрокредит ташкилотларининг рейтинглари «Ahbor-Reyting» РАнинг рейтинг қилинаётган ломбардлар ва микрокредит ташкилотларининг кредитга қобилиятлилиги ва кредит хатарлари даражаси ҳуқуқий асосдаги фикрини акс эттиради. Рейтинглари истеъмолчилар томонидан ломбардлар ва микрокредит ташкилотларини ва уларнинг хизматларини танлаш чоғида, шунингдек, бўлғуси инвесторлар ва кредиторлар

қарор қабул қилишлари жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Рейтингининг мавжудлиги ломбардлар ва микрокредит ташкилотларининг фаолияти очиқ-ошкоралиги даражасини анча оширади, шунингдек, ломбардлар ва микрокредит ташкилотларига бозордаги ижобий обрўсини мустаҳкамлаш ва бўлғуси мижозлар сонини кўпайтиришга замин яратади, ўз бозор мавқелари мустақил ва холисона тасдиқланишини таъминлайди.

– **Сизнинг рейтингингизга эга бўлганлар бошқа муассаса ёки ташкилотларга қараганда қандай афзалликларга эга бўлади?**

– Бўлғуси ҳамкорлар ва инвесторлар доим ҳам зарур пайтда бизнес ҳамкорларининг хатар даражаси, молиявий барқарорлиги ва ишончилиги ҳақида холис, тўлиқ ва ишончли ахборотни тезкор равишда олиш имконига эга бўлавермайдилар. Бу ҳолатда «Ahbor-Reyting» мустақил рейтинг агентлиги берган кредит рейтинг мавжудлиги бундай рейтинг соҳибига бўлғуси инвесторлар ва бизнес ҳамкорларига ўзининг ишончилигини ва кредитга қобилиятчилигини махфий ахборотни ошкор этмаган ҳолда намойиш этиш имконини беради.

– **Кириб келган 2015 йилда жамоангиз олдида қандай мақсад ва вазифалар турибди?**

– Режаларимиз талай. Аввало, 2015 йилда «Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги қуйидагиларни режалаштирди:

– биз 2014 йилда бошлаган «Банк хизматлари сифатини баҳо-

лаш услубияти»ни ишлаб чиқишни якунламоқчимиз;

– кўшимча мезонларни қўллаш йўли билан мавжуд кредит рейтинглари услубиятларини янада такомиллаштириш;

– агентлик бизнеси миқёсини янги мижозларни жалб этиш, аввало, маҳаллий молия бозорининг етарлича ўзлаштирилмаган сегментларини (ҳар хил турдаги қимматли қоғозлар эмитентлари, қимматли қоғозлар депозитарийлари, риэлторлик ташкилотлари ва бошқалар) ўзлаштириш ҳисобига кенгайтириш;

– турли тармоққа оид таҳлилий тўпламларни тайёрлаш ишини янада кенгайтиришга, бу эса, умид қилмизки, тармоқ транспарентлиги ҳамда иқтисодийнинг реал сектори корхоналари инвестицион жозибадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, кириб келган йилда агентлигимиз учун «Банк хизматлари сифатини баҳолаш услубияти»ни синовдан ўтказиш ва рейтинг амалиётига киритиш энг устувор йўналиш бўлади. Бунда, «Ahbor-Reyting» РА фикрича, мазкур маҳсулотни ишлаб чиқишнинг муҳимлигини қуйидагилар тақозо этади.

«Ahbor-Reyting» РА мунтазам ўтказётган таҳлилий тадқиқотларнинг кўрсатишича, замонавий молия бозорлари йилдан-йилга ўз иштирокчиларига юқори талаблар қўймоқдалар, шу сабабли ҳозирги пайтда кредит ташкилотлари функционал, турга хос, предметли ва аралаш рақобатлашишнинг оммавий турлари-

да иштирок этишга мажбурлар. Маълумки, тижорат банкнинг рақобатбардошлиги ва молия бозоридаги мавқеи бевосита унинг маҳсулотлари ва хизматлари сифатига, бизнес жараёнлари шаклланиши (формаллаштирилгани) ва барқарорлигига, мижозлар қониқиши ва ишончига боғлиқдир. Шу билан бирга, замонавий маҳаллий банк маҳсулотлари ва хизматлари линейкаси кўп жиҳатдан нарх параметрларининг бир хил тур ва кўринишга эгаллиги билан ажралиб туради, бу тижорат банкларини нарх билан боғлиқ бўлмаган жиҳатларга, шу жумладан, банк хизматлари кўрсатиш сифатига кўпроқ эътибор беришга ундайди. Бунда банк хизмати (маҳсулоти) сифати деганда банк хизмати (маҳсулоти) тавсифлари (элементлари) мажмуи мижозлар эҳтиёжини қондира олишини тушунамиз. Ўз навбатида, банк хизмати (маҳсулоти) сифатининг таркиби ва унинг сифат жиҳатидан таркибий қисми бўлган элементларни мижозлар эҳтиёжларини уч гуруҳга: функционал, ахборот ва эмоционал гуруҳга бўлиш йўли билан тасаввур этиш мумкин. Шу тариқа, биз ишлаб чиқарган «Банк хизматлари сифатини баҳолаш услубияти»нинг асосий моҳияти мижозлар эҳтиёжларининг барча уч гуруҳини кўрсатилаётган банк хизмати сифатида шакллантириш ҳамда мавжуд мезонлар билан солиштирган ҳолда тақдим этилаётган банк хизмати сифати даражасини аниқлашдан иборат.

– **Сухбатингиз учун раҳмат.**

Тахмина НУРАХМЕТОВА
суҳбатлашди.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш

«Агробанк» АТБнинг Фарғона вилояти Кувасой филиали иқтисодийнинг реал сектори лойиҳаларини фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда.



Минтақанинг истиқболдаги барқарор иқтисодий ўсиши кўп жиҳатдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Мухбиримиз «Агробанк» АТБнинг Фарғона вилояти Кувасой филиалининг бошқарувчиси Фаррух КАМОЛОВ билан мазкур филиалнинг Соғлом бола йилида янада ривожланиш истиқболлари тўғрисида суҳбатлашди.

– **Фаррух Олимжонович, банкнинг иқтисодий реал секторини кредитлаш амалиёти тўғрисида сўзлаб берсангиз.**

– Банк филиали томонидан

2014 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун 3 437,1 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. 2013 йилнинг шу давр ҳолатига нисбатан ажратилган кредитлар 1,3 мартага ошган. Ажратилган кредитларнинг умумий суммасидан озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш учун ажратилган кредитлар 1 405,7 млн. сўмни ташкил этди. Саноат товарларини ишлаб чиқаришга 532,8 млн. сўм миқдордаги кредитлар берилган. Маиший хизмат кўрсатиш ва сервис корхоналарига 571,4 млн. сўм миқдорда кредитлар тақдим этил-

ди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун филиал 147,8 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратди. Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга 157,0 млн. сўм кредитлар йўналтирилган. Шу билан бирга, банк филиали томонидан 163,5 млн. сўмлик ипотека микрокредитлари ва 559,0 млн. сўм миқдордаги истеъмол микрокредитлари ажратилган. Ушбу кредитлар эвазига 1 873 янги иш ўрни ташкил этилган.

Дон этиштириш билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари учун 422,0 млн. сўм миқдордаги кредитлар ажратилган.

– **Банк филиали замонавий банк технологияларини қандай жорий этиб бормоқда?**

– Банк филиали банк хизматларининг тўлиқ мажмуасини тақдим этувчи қуйидаги зарур жиҳозлар билан таъминланган: миллий ва чет эл валютасида омонатларни очиш, пластик карталар очиш, «Анелик», «Мигом», «Азия Экспресс», «Золотая корона» пул маблағларини жўнатиш хизматлари, ҳисобкитоб касса операциялари, юридик шахслар учун депозитлар, турли хилдаги интерактив хизматлар, бошқа банк хизматлари ва маҳсулотлари шулар жумласидандир.

Ҳамдам АМИНОВ.

Ёшлар — юрт келажаги

Ҳанифа Наимова ўтган йил Ромитан педагогика коллежини битирар экан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни бошлади. Охири курсда ўқиётганда у паррандачиликни ривожлантириш бўйича ўз бизнес-режасини тайёрлаган эди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг туман филиали бу режани қўллаб-қувватлади. Шу тариқа Ҳанифа банкдан 190 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олди.

– **Олинган кредит эвазига хусусий ишимни бошлаб юбордим, – дейди Ҳ.Наимова. – Самарқанддан жўжалар олиш тўғрисида шартнома туздим. Ҳозирда хоналарни тайёрламоқдамиз. Тез кунларда ўз фаолиятимизни бошлаймиз. Корхонамизда коллежни битирган тенгдошларимдан ўн нафари ишли бўлади.**

Ўтган йилда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга хоҳиш билдирган касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун 600 млн. сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилган.

«Соғлом бола йили»

Давлат дастури доирасида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим ва ҳордиқ учун қулай шароитлар яратиш, мактаблар, спорт иншоотларини қуриш, дастурнинг бошқа вазифаларини бажариш учун давлат бюджети ва бошқа манбалар ҳисобидан 29,420 млрд. сўм, 274 минг АҚШ доллари, шунингдек, 1,541 минг евро миқдордаги маблағлар сарфланди.

Шубҳасизки, бундай бунёдкорлик ишлари Бухоро вилоятининг Ромитан туманида ўз ижобий натижаларини кўрсатади.

Асатилло ҚУДРАТОВ.

QONUNCHILIKDAGI YANGILIKLAR

Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Низом Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг қуйидаги тайинланган пенсияларни тўлашга йўналтирилган маблағларини қоплаш тартибини белгилайди:

ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги оқибатида тайинланган боқувчисини йўқотганлик ва ногиронлик пенсияларини; «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг (1993 йил 3 сентябрдаги 938-XII-сон) 12-моддаси «б»-«ж» бандларига мувофиқ тайинланган пенсияларни. Меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар: эркаклар – иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда; аёллар – иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган

Пенсия жамғармасига пенсия тўлашга харажатлар қопланади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 декабрдаги 357-сонли қарори билан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ пенсияларни тўлашга харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

ишларга тўғри келган тақдирда, умумий белгиланган ёшга 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар; ёшга доир пенсияларни муддатидан олдин тайинлаш.

Эслатиб ўтамиз, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига, ишлар ҳажмининг қисқаришига олиб келган технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар: эркаклар – 58 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда; аёллар – 53 ёшга тўлганда ва иш

стажи камида 20 йил бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бунда ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсиялари бўйича 2016 йил 1 январдан бошлаб корхоналар ва ташкилотлар томонидан пенсияларни тўлашга харажатларни қоплашга тўлов амалга оширилади. Ташкилотлар шунингдек, меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимларга тайинланган пенсиялар бўйича пенсиялар тўловига харажатларни қоплайдиган тўловни, улар пенсия ёшига ет-

гунига қадар 100 фоиз миқдорда, лекин минимал миқдордан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар.

Ходим меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги оқибатида меҳнат қобилиятини ҳархил иш берувчиларда йўқотган тақдирда ҳар бир иш берувчи маблағларни солидар тартибда қоплайди.

Агар меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасини бирламчи аниқлашда (биринчи иш берувчида) ногиронлик гуруҳи белгиланмаган бўлиб, кейинчалик эса янги олинган меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотиш

даражаси ногиронлик гуруҳини белгилаш билан бирга оширилган бўлса, пенсияларни тўлашга сарфланган Пенсия жамғармаси харажатларини қоплаш ногиронлик гуруҳи қайси иш берувчи даврида белгиланган бўлса, шу иш берувчи томонидан амалга оширилади.

Ҳужжат билан меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги учун жавобгар ташкилот тугатилган тақдирда мазкур ажратмаларни тўлаш тартибга солинган.

Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари ва солиқ хизмати органлари харажатларнинг тўлиқ ва ўз вақтида қопланиши юзасидан назоратни амалга оширадилар. Кўрсатилган пенсияларни тўлашга харажатлар ўз вақтида қопланмаганлиги учун ўтказилиши лозим бўлган сумманинг ҳар бир кечиктирилган куни учун 0,033 фоизи миқдорда, лекин қарздорликнинг 100 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня ҳисобланади.

Бюджет ташкилотларининг сметалари қандай тузилади?

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи билан (Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 15 декабрда 2634-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Низом Бюджет кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилган бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини, даромадлар ва харажатлар сметаларини, вақтинчалик харажатлар сметаларини, шунингдек, бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг жамланма харажатлар сметаси ҳамда штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди.

Бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчиларнинг Давлат бюджети ҳисобидан харажатлари бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида ва уларнинг харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга оширилади. Бюджет ташкилотларини харажатларни қоплаш учун бюджетдан ажратилган маблағлардан ташқари бошқа даромад манбалари мавжуд бўлганда, мазкур кўрсатилган маблағлар бўйича ҳам даромадлар ва харажатлар сметаларини тузади.

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар харажатлар сметаларини, даромадлар ва харажатлар сметаларини, шунингдек, штат жадвалларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мустақил равишда тузадилар.

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар харажатлар

сметаларини, даромадлар ва харажатлар сметаларини, шунингдек, штат жадвалларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мустақил равишда тузадилар.

Харажатлар сметалари, даромадлар ва харажатлар сметалари, штат жадваллари, шунингдек, жамланма харажатлар сметалари ва штат жадваллари 1 молия йили муддатига, мавсумий ёки йил мобайнида тузилган ташкилотлар бўйича эса, уларнинг мазкур молия йилидаги фаолият кўрсатиш даврига тузилади ва амал қилади. Мазкур сметалар минг сўмда тузилади. Бюджет ташкилотларининг штат жадваллари ва бюджет маблағларини тақсимловчиларининг жамланма штат жадваллари сўмда тузилади.

Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказиш юридик шахс мақомига эга бўлган ташкилотларга рўйхатдан ўтказиш карточкаси бериш орқали амалга оширилади.

Жорий молия йилининг ўтган ой (чорак)ида ишлатилмай қолган бюджетдан ажратилган маблағлар қолдиги жорий молия йилининг кейинги ойи (чораги)га харажатлар сметасига ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказмасдан ўтади.

Ҳужжатда қуйидагилар бўйича шахсан жавобгарлик белгиланган: вазирликлар, давлат қўмиталари

ва идоралар, бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчилар раҳбарлари, шунингдек, улар бўйсунувидаги ташкилотлар сметаштат интизомига ва смета-штат ҳужжатларининг тақдим этиш муддати-га риоя қилиниши учун;

ташкилотларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари (бухгалтерлари), молия-иқтисод бўлими бошлиқлари (штат жадвалларига мувофиқ молия-иқтисод масалалари бўйича мутахассис) – иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (тарификация рўйхати, майдони, ҳажми, сарфланаётган коммунал хизматлари бўйича табиий кўрсаткичлар ҳажми ҳамда улар бўйича харажатларнинг тасдиқланган харажатлар сметасига ва паспорт маълумоти, шартномалар ва бошқаларга мослиги)нинг тўғрилиги ва асосланганлиги учун;

бюджет маблағларини тақсимловчилар раҳбарлари ва бош бухгалтерлари (бухгалтерлари), молия-иқтисод бўлими бошлиқлари – рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинган жамланма харажатлар сметасига келтирилган ҳисоб-китобларда кўрсатилган бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг тўғрилиги ва асосланганлиги учун;

Молия органлари ва бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг масъул ходимлари – ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларининг, шунингдек, уларга киритилган ўзгартиришларнинг рўйхатдан ўтказилиши тўғрилиги учун.

Текширишларни рўйхатга олиш китоби электрон шаклда

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 26 декабрда 2280-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзгартиришларга кўра энди китобни электрон шаклда юритиш имконияти назарда тутилди.

Техник имконият мавжуд бўлганда мажбурий тартибда текширишларни рўйхатга олиш китобининг электрон шакли тўлдирилади. Бунда текширишларни рўйхатга олиш китобининг қоғоз шаклини тўлдириш талаб этилмайди. Текширишларни рўйхатга олиш китобининг электрон шакли бевосита ҳужалик юритувчи субъектда тўлдирилади. Текширишларни рўйхатга олиш китобининг электрон шаклига кириш www.etk.minjust.uz сайти орқали амалга оширилади.

Агар текширишларни рўйхатга олиш китобининг электрон шаклини тўлдиришда хатоликка йўл қўйилган бўлса, ушбу сатрга тўғрилашлар киритиш орқали янги ёзув амалга оширилади. Бунда, олдинги маълумот автоматик равишда сақланиб қолинади.

Текширув натижаси бўйича тузиладиган ҳужжатда текшириш жараёнида тўлдирилган текширишларни рўйхатга олиш китобининг шакли кўрсатилади.

Ҳужжат билан бошқа қатор ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

ТАHLIL

Ўзбекистон товар-хомашё биржасида савдолар яқунлари 2014 йил январь-декабрь ойларида

1-жадвал.

Ўзбекистон товар-хомашё биржасида савдо ҳажмининг ўсиши, 2014 йилнинг январь-декабрь ойларида

	2014 й. апрель-июнь 2014 й. январь-мартга кўра фоизда	2014 й. июль-сентябрь 2014 й. январь-мартга кўра фоизда	2014 й. июль-сентябрь 2014 й. апрель-июнига кўра фоизда	2014 й. октябрь-декабрь 2014 й. январь-мартга кўра фоизда	2014 й. октябрь-декабрь 2014 й. июль-сентябрга кўра фоизда
Биржа савдолари	101,7	105,1	103,3	104,2	99,1
Кўргазма-ярмарка савдолари	139,5	138,2	99,1	175,4	126,9
Давлат харидлари	191,7	210,9	110,1	200,1	94,9
Корпоратив харидлар	139,5	143,9	103,1	123,8	86,1
Битимлар ҳажми, жами	109,2	112,8	103,2	114,2	101,3

2014 йил январь-декабрь ойларидаги тамойиллар

Ўзбекистон товар-хомашё биржасида 2014 йил январь-декабрь ойларида (2013 йил 30 декабрдан 2014 йил 28 декабргача – 52 савдо ҳафтаси) битимларнинг умумий ҳажми 9 503,4 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан 7 221,1 млрд. сўмни биржа савдолари ҳажми, 1 015,6 млрд. сўмни – кўргазма-ярмарка савдолари, 469,4 млрд. сўмни – давлат харидлари ва 346,9 млрд. сўмни – корпоратив харидлар ташкил этди.

Савдолар умумий ҳажмида асосий улушни биржа савдолари ташкил этади, бунда уларнинг улуши 2014 йил октябрь-декабрь ойларида



77,2 фоизни ташкил этди. Ушбу даврда кўргазма-ярмарка савдолари улуши 13,6 фоизни ташкил этди, давлат ва корпоратив харидлар улуши эса тегишинча 5,6 фоиз ва 3,6 фоизга тенг бўлди.

Умуман олганда, 2014 йил январь-декабрь ойларида биржа, кўргазма-ярмарка савдолари, давлат ва корпоратив харидлар тегишинча 79,8 фоиз; 11,2 фоиз; 5,2 фоиз ва 3,8 фоиз улушларга эга бўлган савдоларнинг шунга ўхшаш таркиби сақланмоқда.

Ўзбекистон товар-хомашё биржасининг маълумотларига кўра, биржадаги битимлар умумий ҳажми 2014 йил октябрь-декабрида (29.09-28.12 – 13 савдо ҳафтаси) 2 371,0 млрд. сўмни ташкил этди, бу 2014 йил I чорагидаги битимлар ҳажмидан (2 075,3 млрд. сўм) 14,2 фоиз кўп ва 2014 йил III чораги кўрсаткичидан (2 340,1 млрд. сўм) 1,3 фоиз кўпдир.

2014 йил тўртинчи чорагида биржадаги ҳар ҳафталик савдоларнинг энг катта ҳажми 225,5 млрд. сўмни (15-21 декабрь даври мобайнида), IV чорак бошида энг кам ҳажми эса – 217,9 млрд. сўмни (29.09-05.10) ташкил этди. 2014 йилнинг 15-21 де-

кабрида ЎзРТХБ савдолари ҳажми 225,5 млрд. сўмга етди, бу мазкур йилдаги энг юқори кўрсаткичдир (бу пайтгача энг юқори миқдор 217,9 млрд. сўмга тенг бўлган – бу 2014 йилнинг 16-22 июнидаги кўрсаткичдир).

Куйидаги натижалар 2014 йил октябрь-декабрь ойларида савдо платформалари кесимида биржадаги реализация ҳажмини кўрсатади:

- Биржа савдоларида битимлар ҳажми 1 830,7 млрд. сўмни ташкил этди, бу жорий йил III чорагидаги кўрсаткичдан 0,9 фоизга пастдир. Савдо ҳафтасидаги савдоларнинг ўртача ҳажми 140,8 млрд. сўмни ташкил этди.
- Биржада реализация ҳажмининг ўсиши кўргазма-ярмарка савдоларида битимлар ҳажми ўсиши ҳисобига таъминланди, у 322,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган чорак билан солиштирганда 26,9 фоизга ўсди. Савдо ҳафтасидаги савдоларнинг ўртача ҳажми 24,8 млрд. сўмни ташкил этди. 24 ноябрдан 30 ноябргача бўлган даврда савдолар ҳажми 54,4 млрд. сўмни ташкил этди, бу 2014 йилдаги ҳафталик рекорд кўрсаткичдир.

- Давлат буюртмалари бўйича битимлар ҳажми 133,7 млрд. сўмни ташкил этди, бу 2014 йилнинг июль-сентябрь ойларидаги кўрсаткичдан 5,1 фоизга пастдир. Савдо ҳафтасидаги савдоларнинг ўртача ҳажми 10,3 млрд. сўмни ташкил этди.
- Корпоратив буюртмалар бўйича битимлар ҳажми 84,7 млрд. сўмни ташкил этди (аввалги чорақдаги кўрсаткичдан 13,9 фоиз паст). Савдо ҳафтасидаги савдоларнинг ўртача ҳажми 6,5 млрд. сўмни ташкил этди.

2013 йил 30 декабрдан 2014 йил 28 декабригача бўлган даврда биржада айрим товарларнинг нархлари

котировкасидаги (ўрта ҳисобдаги ҳар ҳафталик нархлар) куйидаги ўзгаришларни қайд этиб ўтамыз:

Энергия ташувчилар

- АИ-80 русумидаги бензин нархи 1 тоннаси учун 2 291 664 сўмдан 3 159 786 сўмгача ёки 868 122 сўмга (37,9 фоизга) ошди. Бензиннинг мазкур русуми нархи 2014 йил 27 июндаги кўрсаткич (2 785 338 сўм) билан солиштирганда 374 447 сўмга ошди (13,4 фоизга ўсди).
- Нархларнинг энг юқори ўсиши суёлтирилган газ қийматида кузатилади, январь-декабрь ойларидаги нархлар ўсиши 116,2 фоизни (1 168 414 сўмдан 2 526 028 сўмгача) ташкил этди.

Озиқ-овқат товарлари

- Ўсимлик ёғи нархи 2 534 073 сўмдан 2 683 767 сўмгача ёки 5,9 фоизга кўтарилди (шунга қарай энг лозимки, ўсимлик ёғи нархи 2014 йил июнидаги кўрсаткич билан солиштирганда 8 500 сўмга пасайди).
- Шакарнинг биржа нархи ўзгармай, 1 тоннаси учун 2 412 900 сўм даражасида қолмоқда.
- Олий навли уннинг нархи 131 845 сўмга (1 135 560 сўмдан 1 267 405 сўмгача) ёки 11,6 фоизга ошди, айни пайтда биринчи навли уннинг нархи 65 331 сўмга (829 916 сўмдан 895 247 сўмгача) ёки 7,9 фоизга ошди.

Қурилиш материаллари

ПЦ М-400 Д-20 русумидаги цемент нархи 364 230 сўмдан 228 499 сўмгача (135 731 сўмга ёки 37,3 фоизга) пасайди.

Биржа янгиликлари

- «ЎзРТХБ» АЖ матбуот хизматининг маълумотларига кўра, 2014 йил бошидан буён, 2014 йил 26 декабрь ҳолатига кўра «ЎзРТХБ» АЖ кўргаз-

ма-ярмарка савдоларида (КЯС) тузилган битимлар ҳажми 1 трлн. сўмдан ошди, бу мазкур электрон майдонча иш бошлаганидан буён тарихий рекорд саналади. Шунга қарай энг зарурки, 2014 йилда КЯС айланмалари ҳар чоракда, изчил равишда ошиб борган. Чунончи, агар I чоракда мазкур электрон тизим орқали умумий қиймати 174 млрд. сўм бўлган товарлар реализация қилинган бўлса, IV чоракда худди шу кўрсаткич 322 млрд. сўмдан ошди. Биржанинг интернет кимошди савдоси харидорлари орасида машинасозлик маҳсулотлари, механик ускуналар ва дастгоҳлар талабгир бўлди. Сотувлар умумий таркибида товарларнинг ушбу гуруҳи улуши 20 фоизни, уларни сотиш суммаси эса – 205 млрд. сўмни ташкил этди. Сотувлар суммасига кўра етакчидан сўнг қора металл ва металл буюмлар прокати 18 фоизлик улуш билан кейинги ўринни эгаллади.

- 2014 йилда цемент биржа бозори ўтган мавсум билан солиштирганда аксинча тамойилни намоеён этмоқда. Чунончи, агар 2013 йил бошида ПЦ-400 Д-20 русумидаги цементни реализация қилишнинг ўртача нархи 364 минг сўм даражасида бўлган бўлса, декабрь ойининг охирига келиб товар нархи бир тоннаси учун 228 минг сўмгача пасайди, бу 2014 йилнинг энг паст кўрсаткичидир.
- 15-21 декабрда ЎзРТХБда тузилган битимларнинг умумий ҳажми аввалги савдо даври билан солиштирганда 34 фоизга ўсиб, 225,5 млрд. сўмлик қийматдан ошиб кетди, бу 2014 йилдаги энг катта кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу ҳафта яқунларига кўра биржанинг барча савдо платформаларида сотувлар ўсиши қайд этилди, бу савдолар ҳажми

бўйича ҳафталик рекорд кўрсаткичи янгилаш имконини берди.

- VIII Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида (ХСЯКБ) дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатдан келган 1 200 дан ортиқ хорижий фирма ва компанияларнинг вакиллари қатнашди. Кўргазма майдонларида улар қарийб 20 мингта экспонатларни намойиш этдилар, улар орасида 600 дан ортиғи 2014-2016 йилларда тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган маҳсулотларнинг янги турларидир. Бунинг устига кўргазма мажмуининг павильонлари ва очиқ кўргазма майдончаларида 1 700 та маҳаллий корхона, компания ва ташкилотларнинг маҳсулоти, ускуна ва техникаси жойлаштирилди. Ушбу тадбир доирасида корхона ва иштирокчилар ўртасида 2013 йилдагидан кўра 1,4 баравар кўп ҳажмда маҳсулот харид қилиш шартномалари тузилди, шунингдек, аввалги ХСЯКБ билан солиштирганда ўз маҳсулотини экспортга реализация қилишга оид шартномалар сони 1,1 баравар ошди. ЎзРТХБ кўргазма-ярмарка савдоларидаги ярмарка иши давомида 11,6 млрд. сўмлик миқдорда 647 та битим тузилди. Бунда битимларнинг 70 фоиздан ортиғи Тошкент, Жиззах, Фарғона ва Сирдарё вилоятларидаги савдолар қатнашчиларининг фаол иштирокида тузилди. Ҳажмига кўра энг салмоқли битимлар саноат товарлари – 50 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – 12 фоиз, тўқимачилик маҳсулотлари – 10 фоиз, қурилиш материаллари – 8 фоиз, кимёвий маҳсулотлар – 6 фоиз сингари товар гуруҳлари бўйича тузилди.

2-жадвал.


ЎзРТХБдаги маҳсулотлар нархлари (ҳафталик нархлар котировкаси) 2014 йилнинг январь-декабрь ойларида, сўм/тонна*

Маҳсулот номи	2013 й. 30 декабрь – 2014 й. 3 январь	2014 йил 23-27 июнь	2014 йил 22-26 декабрь	Сўнгги савдо ҳафтаси	Нархлар ўзгариши, 2014 й. декабрь 2014 й. январига нисбатан фоизда
Бензин АИ-91	4 914 965	3 210 098	3 120 216	2014 йил 22-26 декабрь	-36,5
Бензин АИ-80	2 291 664	2 785 338	3 159 786	2014 йил 22-26 сентябрь	37,9
Мотор мойи М14 В2	2 750 000	3 195 551	2 783 861	2014 йил 22-26 декабрь	1,2
Суёлтирилган газ	1 168 414	2 195 837	2 526 028	2014 йил 22-26 декабрь	116,2
Полиэтилен I-1561	4 336 304	5 234 964	5 421 628	2014 йил 15-19 декабрь	25,0
Арматура СТ12-35ГС	2 767 255	2 534 623	3 271 631	2014 йил 22-26 декабрь	18,2
Мис катанкаси	19 090 909	22 416 797	16 303 502	2014 йил 15-19 декабрь	-14,6
Пахта чигити шроти	469 159	462 141	536 326	2014 йил 22-26 декабрь	14,3
Пахта чигити шелухаси	200 440	196 362	256 653	2014 йил 22-26 декабрь	28,0
Сояли шрот	3 600 123	3 600 000	3 600 000	2014 йил 27-31 октябрь	0,0
Ўсимлик ёғи	2 534 073	2 692 267	2 683 767	2014 йил 2-5 сентябрь	5,9
Шакар	2 412 900	2 412 900	2 412 900	2014 йил 22-26 декабрь	0,0
Бугдой уни олий нав	1 135 560	1 174 966	1 267 405	2014 йил 22-26 декабрь	11,6
Бугдой уни биринчи нав	829 916	807 785	895 247	2014 йил 22-26 декабрь	7,9
Сульфат аммонийси	258 499	297 568	318 300	2014 йил 22-26 декабрь	23,1
ПЦ М-400 Д-20	364 230	347 184	228 499	2014 йил 22-26 декабрь	-37,3

* Ўрта ҳисобдаги нархлар сўнгги ҳафтадаги савдолар натижаларига қараб шакллантирилади. Товарлар ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларига (киммошди савдоларга) чиқарилмаганда ёки уларда реализация қилинмаганда ўрта ҳисобдаги нарх бўлиб ўтган сўнгги савдолар натижаларига кўра шакллантирилади.

STATISTIKA


Биржа савдолари ҳажми 2010-2014 йилларнинг декабрь ойларида (млрд. сўмда)




«Тошкент» РФБ биржа айланмасининг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2013 йил декабрь	2014 йил декабрь
Қимматли қоғозлари билан биржага мурожаат қилган АЖлар сони	24	30
Битимлар сони, донада	87	63
Қимматли қоғозлар сони, млн. донада	1,3	7,7
Битимлар миқдори, млрд. сўмда	0,9	7,2

Биржа айланмасининг динамикаси сўнгги 12 ой мобайнида (млрд. сўмда)



Юридик ва жисмоний шахсларнинг битимлар сони ва умумий ҳажмидаги нисбати (2014 йилнинг декабрь ойи учун, ички айлана – битимлар сони, ташқи айлана – битимлар ҳажми, якунига кўра фоизда)



Биржа савдолари натижалари бўйича инвесторлар ҳақида маълумот 2014 йилнинг декабрь ойида

	Битимлар сони, донада	Битимлар миқдори, млн. сўмда
Жисмоний шахслар		
Мурожаатлар	43	125,5
Қўшимча эмиссияларни жойлаштириш	1	155
Хусусийлаштириш	0	0
Жами	44	280,5
Юридик шахслар		
Мурожаатлар	19	6885,7
Қўшимча эмиссияларни жойлаштириш	0	0
Хусусийлаштириш	0	0
Жами	19	6885,7
Жисмоний шахсларнинг умумий ҳажмидаги улуши	69,8 фоиз	3,9 фоиз
Юридик шахсларнинг умумий ҳажмидаги улуши	30,2 фоиз	96,1 фоиз

Биржа айланмасининг тармоқлар бўйича таркиби, 2014 йилда

	умумий ҳажмига нисбатан фоизда
банклар	87,7
лизинг	0,2
агросаноат мажмуаси	2,7
саноат	1,6
ижтимоий соҳа	0,1
қурилиш	2,1
суғурта	2,4
транспорт	0,04
алоқа	0,001
бошқалар	3,2

Қимматли қоғозлар биржа айланмасининг тармоқлар бўйича таркиби 2014 йилнинг декабрь ойида (якунига кўра фоизда)



Инвесторлар кесимида биржа айланмасининг таркиби 2014 йилнинг декабрь ойида (якунига кўра фоизда)



Биржа савдоларида иштирок этувчи брокерлик идоралари рейтинг, 2014 йилнинг декабрь ойида

	Битимлар сони, донада	Битимлар умумий миқдори, млн. сўмда
«FULL STOCK GROUP» МЧЖ	13	6 566,1
«Portfolio Investments» МЧЖ	8	6 345,4
«Alp omad invest» МЧЖ	8	445,6
«Universal Depozit» МЧЖ	4	410,9
«ТашИнвестКом» МЧЖ	20	238,5
«Agro depo invest» компанияси ШХТ	8	84,8
«TAT REESTR» МЧЖ	11	82,7
«Ҳамкорбанк» АТБ	12	59,7
«Dilares» МЧЖ	4	22,6
«Kafolat-Invest» МЧЖ	2	20,1


Листинг компанияларининг «Тошкент» РФБ биржа айланмасидаги улуши, 2010-2014 йилларнинг декабрь ойи учун

	умумий ҳажмига нисбатан фоизда	
	листинг компаниялари	нолистинг компаниялари
2010 йил декабрь	59,1	40,9
2011 йил декабрь	77,0	23,0
2012 йил декабрь	44,8	55,2
2013 йил декабрь	25,5	74,5
2014 йил декабрь	92,9	7,1


Инвесторлар кесимида биржа айланмасининг таркиби 2014 йилда (якунига кўра фоизда)



РЕПО битимлари биржа айланмасининг тармоқлар бўйича таркиби 2014 йилда (якунига кўра фоизда)




Савдо майдонлари кесимида листинг компаниялари айланмасининг таркиби 2014 йилда



Қимматли қоғозлар биржа бозорининг таркиби, 2010-2014 йилларнинг январь-декабрь ойларида

	жойлаштиришнинг бирламчи бозори	мурожаатларнинг иккиламчи бозори
2010 йил	12,5	87,5
2011 йил	35,9	64,1
2012 йил	49,1	50,9
2013 йил	63,2	36,8
2014 йил	67,0	33,0

DUNYOGA NIGOH



Натижа ёмон бўлмади

Европа фонд биржалари майдонидаги асосий савдолар ижобий натижа билан якун топди.

Германиянинг DAX индекси 1,38 фоизга ўсди, 9 781,9 пунктга етди. Франциянинг CAC 40 индекси 1,18 фоизга ортди ва 4 228,24 пунктни ташкил этди. Буюк Британиянинг FTSE 100 индекси аввалгисидан фарқланмади ва 6 501,42 пунктдан иборат бўлди.


Эҳтимоллар назарияси амалда

Wall Street Journalда ёзилишича, Европадаги банк ва бошқа молиявий институтлар еврохууд таркибидан Грециянинг чиқиб кетиш эҳтимоли юқори эканлигини ҳисобга олиб, амалда бундай жараён юз берган вазиятда нималарга эътибор қаратиш зарурлигини ўрганиш мақсадида ўзларида стресс-синовларини ўтказиб келишмоқда.

Нашрда Citigroup Inc., Goldman Sachs Group Inc., шунингдек, Буюк Британиянинг дилерлараро брокерлик компанияларидан бири ICAP PLCларда бундай синовлар ташкиллаштирилгани қайд этилган.

тоб тизимида кўрсатадиган таъсирнинг олдини олишга тайёрланиб, грек валютасидан фойдаланган вазиятда сармояларнинг ҳаракатини назорат қилиш бўйича истиқболдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ёки валюта-трейдинг платформасига оид излашни амалга оширмоқда», дея келтирилади нашрда.

Грецияда бошқарувдаги коалицион ҳукумат илгарироқ 25 январда ўтказиладиган навбатдан ташқари парламент сайловига оид изоҳ берар экан, унда гўёки сайлов мамлакатни еврохуудда қолдириш ёки чиқариб юборишни овозга қўйишга бағишлангандек бўлганини таъкидлаган эди, — дейилади мақолада. — Айни пайтда гарчи СИРИЗА тежамкорлик чора-тадбирларига қарши сиёсат юргизиш таклифини илгари сураётган, бу билан эса еврохууддаги ҳамкорликка путур етказиш эҳтимоли ортсада, партия аксарият юртдошларининг валюта уюшмасини сақлаб қолишга оид хоҳишини инобатга олиб, мамлакатни еврохууд таркибидан чиқариш ҳақидаги ғояни илгари сурмаганини таъкидламоқда.




Аниқланишича, компаниялар режасида «еврохууд таркибидан Греция чиқиб кетиши фаолиятига бирмунча таъсир кўрсатадиган контрагентларни тўлиқ текширишдан ўтказиш, кредит таваккалчилигини ва уларнинг трансчегаравий молиялаштириш ишларига таъсирини ўрганиш» каби масалалар ўрин олган.

Хатто айрим фирмалар «ҳисоб-ки-

ИХТТ: ЕИ ва еврохууд иқтисодиёти барқарор ривожланади

Гарчи хууддаги етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланган Германия иқтисодиёти бирмунча заифлашган бўлсада, ЕИ ва еврохууд мамлакатлари ЯИМ кўрсаткичи ўсиши барқарорлигича қолмоқда, дейилади Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) баёнотида.

ЕИда иқтисодий жihatдан ривожланганлиги бўйича иккинчи поғонада турувчи Франция иқтисодий фаоллигини акс эттирувчи ойлик индексининг ноябрдаги ҳолати мамлакатда ижобий ўзгариш қайд этилганидан далолат (яъни, 100,2 дан 100,3 пунктга етди). Германияда эса мазкур индекс кўрсаткичи



99,6 дан 99,5 пунктга тушиб қолди. Еврохууд иқтисодий фаоллигининг умумий индекси ноябрда 100,6 даражасини сақлаб қолди. ИХТТ таркибидаги 33 та мамлакат иқтисодиёти индекси эса октябрда 100,4 дан 100,5 пунктга кўтарилган эди.

2009 йилдан кейинги «рекорд» натижа

Еврохуудда истеъмолчилик нархининг йиллик ҳисобдаги миқдориди сўнгги 5 йил ичида кузатилмаган даражадаги пасайиш кузатилди. Сўнгги бор бундай ҳолат молиявий инқироз ва глобал рецессия қизғин давом этаётган бир даврда қайд этилган.

Eurostat статистика агентлиги тақдим этган бирламчи маълумотларга қараганда, 2014 йил декабрь ойида еврохуудда истеъмолчилик нархининг уйғунлашган индекси 0,2 фоизга пасайган бўлиб, ушбу кўрсаткич аввалроқ башорат қилингандан ҳам ёмон (0,1 фоиз бўлиши кутилган эди) эканлигидан далолатдир. Бунинг асосий сабаби сифатида энергоузатиш нархининг кескин тушиб кетиши деб ҳисобланмоқда.

Еврохуудда истеъмолчилик нархи индексининг бундай пасайиши 2009 йилда октябрда кузатилган эди. Иқтисодий блокнинг инфляция суръати мана 22 ҳафтадирки, ЕМБ томонидан белгиланган мақсадли даражадан 2 фоиз паст кўрсаткични қайд этмоқда.

Айрим мутахассислар 2014 йилдаги инфляция еврохуудда иқтисодий ўсиш суръатининг пасайиши таъсирида юзага келганини таъкидлашмоқда. Еврохуудда иқтисодий сустлашиш, ишсизлик даражасининг рекорд кўрсаткичи ва компаниялар томонидан капитал қўйилмалар

ҳажми қисқариши каби омиллар билан изоҳланади.

Айни пайтда, дефляция жараёни шундай суръатда давом этса, еврохууд ташкил топган вақтларга нисбатан энг юқори даражани ташкил этаётган қарзларни узишда корпорациялар ва ҳукуматга қийинчилик туғилади.

Дефляция юзага келиши ва кучайиши ҳақида Европа Марказий банки раҳбари Марио Драгининг қайд этишича, ЕМБ иқтисодиётни стимуллаштириш чора-тадбирларини кўришга тайёр.

Шунга қарамай, бир неча экспертларнинг фикрича, еврохууднинг турли мамлакатлари давлат облигацияларини тўғридан-тўғри сотиб олишни назарда тутувчи миқдорий юмшатишлар дастурининг ишга туширилиши (quantitative easing, QE) валюта блоки иқтисодиётга ёрдам бермайди. Хусусан, бундай нуқтаи назар яқиндагина Financial Times нашрида («ECB QE will not make Europe a good investment» сарлавҳали мақоласида) баён этилган эди.

Турлича йўналиш қайд этилди

Осиё-Тинч океани хууддаги асосий фонд биржаларда турлича натижа қайд этилди.



Япониянинг Nikkei 225 кўрсаткичи 0,18 фоизга ортиб, 17 197,73 пунктни ташкил қилди. SSE Composite Шанхай фонд биржаси 2,67 фоиз йўқотиб, 3 196,51 пунктга тушиб қолди. Гонконгнинг Hang Seng ида 0,05 фоиз ўсиш кузатилди ва 23 930,78 пунктга тўғри келди. Жанубий Кореянинг KOSPI кўрсаткичи 0,12 фоизга пасайган ва 1 922,32 пункт даражасига тушиб қолган.

АҚШ биржасида кутилмаган ҳолат

АҚШдаги фонд биржаларида ўтказилган савдо якунлари кутилганидек бўлмади.

S&P 500 кенг бозор индекси 0,81 фоизга камайиб, 2 028,26 пунктни ташкил қилди. Dow Jones sanoat индекси 0,54 фоизга пасайди ва

17 640,84 пунктга тенг бўлди. Юқори технологияли Nasdaqдаги пасайиш 0,84 пунктга етди ва 4 664,71 пунктдан иборат бўлди.

Анъанавий санъат фестивали

Жорий йилнинг 17-18 январида Тошкент шаҳрида «Hand Made in Uzbekistan-2015» деб номланган анъанавий санъат фестивали бўлиб ўтади.

Ушбу фестиваль ижодий сулолалар ва истеъдодли хунармандларни қўллаб-қувватлаш ҳамда Ўзбекистоннинг маданий меросини ва санъатини асраб-авайлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар билан кенг оммани таништиришга қаратилган.

Фестиваль дастури доирасидаги барча ижодий ишлар кўргазмаси «Зарқайнар» миллий санъат галереясида бўлиб ўтади.

Таъкидлаш лозимки, мазкур фестивалда бутун Ўзбекистондан 150 дан зиёд хунарманд иштирок этади. Жумладан, хунармандлар, кулоллар, зарбхона усталари, рассомлар қўлда ясалган маҳсулотларини Тошкент шаҳрига олиб келади.

Кўргазмада сўзана, маиший керамика, чинни буюмлар, замонавий ва анъанавий услубда яратилган заргарлик тақинчоқлари, шойи рўмоллар, ўзбек миллий матоларидан фойдаланиб, нақшлар билан безатилган сумкалар, миниатюралар, чарм маҳсулотлари, миллий кўғирчоқлар, турли хилдаги гиламлар, анъанавий услубда табиий матолардан тайёрланган либос ва пойабзалларни харид қилиш мумкин.

«Туркистон-пресс» НАА.

«Трастбанк»нинг Қарши филиали мини-футбол мусобақаси ғолиби

Қашқадарё вилоят футбол федерацияси томонидан Ўзбекистон футболни қўллаб-қувватлаш жамоат жамғармасининг воҳа бўлими билан ҳамкорликда 2014 йил якунларига бағишланган тақдирлаш маросими ўтказилди.

Спортнинг энг оммабоп тури бўлган футбол жонқуярлари иштирокидаги тантанали тадбирда, жумладан, воҳа ҳудудида жойлашган банклар филиаллари ўртасида ташкил этилган мини-футбол бўйича вилоят биринчилиги ғолиблари ҳам тақдирланди.

Маълумки, Қашқадарё вилоятида ўн тўрт банк филиали фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг жамоалари иштирокида ўтказилган футбол турнирида бош совринни «Трастбанк» ХАББнинг Қарши филиали қўлга киритди.

Мурасиз курашларга бой, дўстона руҳда ўтган футбол мусобақаси ғолибига Қашқадарё вилоят футбол федерацияси томонидан бош соврин – кубок, биринчи даражали диплом ва медаллар тақдим этилди. «Трастбанк» ХАББ раҳбарияти ва банкнинг бутун жамоаси ғалабага муносиб бўлган



Қарши филиали ходимларига 2015 йилда ҳам аҳолига банк хизматларини кўрсатишда ва спортда янгидан-янги зафарлар ёр бўлишини тилайди.

Жасур МИРЗАЕВ.

Ягона порталда янги хизматлар

Давлат божхона қўмитасининг «Юкларни четдан олиб келиш (четта олиб чиқиш) бўйича вақтинчалик рухсатнома олиш учун электрон ариза юбориш» ва «Реэкспортта мўлжалланган юкларни жойлаштириш бўйича Божхона рухсатномасини олиш учун электрон ариза юбориш» интерактив хизматлари «my.gov.uz» ягона порталда жорий этилди.



Мазкур интерактив хизматлар орқали Ягона порталдан рўйхатдан ўтган, маҳсулотларини экспорт-импорт

қилиш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари онлайн сўровномани тўлдириш, зарурий ҳужжатларни

электрон шаклда илова қилиш орқали электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда юкларини вақтинчалик олиб кириш (олиб чиқиш) ҳамда божхона «geeksport» тартибда жойлаштириш рухсатномасини олиш учун электрон ариза йўллашлари мумкин.

Мазкур хизмат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий этилди.

«Туркистон-пресс» НАА.

Навбатдаги истиқболли лойиҳа

Зомин шаҳрининг 2030 йилгача бўлган муддатта қаратилган ривожланиш дастури «Ўзшаҳарсозликлити» ДУК лойиҳа институти томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур режада ижтимоий, муҳандислик ва транспорт инфратузилмаларининг истиқболли ривожланиши ҳамда атроф-муҳитнинг экологик ҳолатини яхшилаш масалалари, шунингдек, шаҳар аҳолисининг сони 38 минг нафарга, ҳудуд майдони 1 851,92 гектарга, уй-жой фонди эса 912 минг м.кв. гача ўсиши кўзда тутилган.

Дастурга мувофиқ ҳудудда саноатни ривожлантириш масаласига ҳам устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Жумладан, жорий йилда пайпоқ тўқиш фабрикаси (қиймати 16 млрд. сўм), бир марта ишлатиладиган шприц ишлаб чиқариш заводи (8 млрд. сўм) ҳамда кабель заводи (20 млрд. сўм) ишга туширилиши режалаштирилди. Шунингдек, маиший техника ишлаб чиқарувчи қўшма корхона, «Озонли сув» ишлаб

чиқаришга ихтисослашган цех ҳамда аҳолини парранда гушти ва маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 66 минг бошга мўлжалланган паррандачилик комплекси ишга туширилиши ҳам лойиҳага киритилган.

Бундан ташқари, 2019 йилга қадар туман ҳудудидаги «Ширин», «Қуёноқли» ва «Ғаллакор» аҳоли пунктлари йўналишида намунавий лойиҳа асосидаги 250 та турар-жой иншоотлари бунёд этилади.

Шу билан бирга, ҳудудда ёш авлодни соғломлаштириш мақсадида янги оромгоҳ комплексини фойдаланишга топшириш, аҳоли ҳордиқ чиқаришига мўлжалланган бир нечта замонавий аттракционли истироҳат боғлари ҳамда 2 та замонавий типдаги мактабгача таълим муассасаси қурилиши ҳам режалаштирилган.

Рашид МИРЗАКАРИМОВ.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ХАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Акмал НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

Анвар АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

Газета «Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖнинг компьютер базасида саҳифаланди

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ғ. Мавлонов кўчаси,

1а-уй, 3-қават.

e-mail: info@banknews.uz

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.

Кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чоп этилади.

Буюртма № 1961

Адади: 10649 нусха.

Нархи шартнома асосида.

Газета АЗ ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 13.01.2015 й.